

---

## "Устозлар боғи" барпо этилди.

Бағдод туманидаги "Чўлюнус" МФЙда жойлашган 61- умумий ўрта таълим мактабида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида "Устозлар боғи" барпо этилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳоқими ўринбосари Ш.Полвонов, вилоят ММТБ бошлиғи Ш.Долимов, туман ҳоқими ўринбосари Қ.Миртазақуловлар иштирок этди.

"Устозлар боғи" ҳудудига кўплаб кўчатлар экиш ҳамда бу боғ мисолида ўқувчилар қалбида табиатга меҳр уйғота олишдек эзгу мақсадларга сабабчи бўлмоқдамиз дея таъкидлади сўзга чиққанлар.

- 65 сотихга 240 туп бодом кўчатларини экмoқдамиз. Бодом серҳосил ва сердаромад бўлиб бозори тайин. «Гулнора Матқулoбoд бoдoмлaри» ИЧК "бир қадам". Насиб, ҳосил кўтарганимизда болажонларимиз учун, мактабимизда турли тадбирларимиз учун моддий манба ҳам бор бўлади, энди – дейди мактаб директори Ш.Ураимов.

Яқинда фойдаланишга топширилган 61-мактаб замонавий типда қурилган. Масъул раҳбарлар синф хоналарни ҳам кўздан кечиришди ва тавсияларини беришди.

2024-11-18 21:09:03